

## Ҳомиладор аёл касаллик варақасини эмас, ультратовуш натижаларини олиб келса...

**7-бетда** тиббий муассаса – давлат ёки хусусий муассаса берганлиги муҳим эмас. Ушбу хулоса амалдаги қонунчиликда ходим томонидан ҳомиладорлигини тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати йўқлигини кўрсатади.

Албатта, кўриб чиқилаётган вазиятда иш берувчи ўзини келгусида қутилмаган вазиятлардан ҳимоя қилиш мақсадида аёлдан Аёллар маслаҳатхонасида рўйхатда туриши керак бўлган оилавий поликлиникадан ҳомиладорлик тўғрисида тиббий маълумотномани талаб қилиши мумкин. Аммо баъзан ҳомиладор аёллар рўйхатдан ҳомиладорлиқнинг сўнгги муддатларида ўтишади. Улар-

ни бу ишни аввалроқ қилишга мажбур қилишнинг иложи йўқ, худди бундай маълумотномани олиб келишни талаб қилишнинг имкони бўлмаганидек.

Агар ультратовуш текшируви ҳужжати борлигига қарамай, ходима иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиб, кейинчалик ишдан бўшатиш пайтида ходима ҳақиқатан ҳам ҳомиладор бўлганлиги аниқланса, суд уни аввалги ишга тиклайди. Иш берувчи эса меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилиш оқибатида мажбур проғул вақти учун ҳақ тўлашга мажбур бўлади. Бундан ташқари, ташкилот Меҳнат кодексининг 112-моддасига мувофиқ ходима зарарни қоплаш билан боғлиқ бошқа харажатларни ўз зиммасига олади.

## ИМТҚнинг амал қилиш муддати қандай

**Компанияга янги директор келган. Аввалги раҳбар тасдиқлаган ички меҳнат тартиби қоидаларини қайта тасдиқлаш керакми? Қоидаларнинг амал қилиш муддати қандай? Янгиларини қабул қилгандан кейин эски ИМТҚларни қанча вақт сақлаш керак?**

– Ички меҳнат тартиби қоидалари, ИМТҚ – бу ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартибини, меҳнат қоидаларини, рағбатлантириш ва жарималарни, мулкчилик шаклларида қатъи назар ташкилотларда меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг бошқа масалаларини тартибга солувчи ички норматив ҳужжатдир.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар учун идоравий мансублигидан, мулкчилик ва бошқарув шаклларида қатъи назар, тахминий ИМТҚлар ишлаб чиқилган. Уларга асосланиш ва фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз ИМТҚни ишлаб чиқиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда ИМТҚнинг амал қилиш муддати белгиланмаган. Шунинг учун бу масалани ташкилотнинг ўзи маҳаллий тартибда ҳал қилади. Агар иш берувчи вақт бўйича ИМТҚ ҳаракатини чеклашни истаса, уларни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқда ҳужжатнинг амал қилиш муддати кўрсатилиши керак.

Агар бу бажарилмаса, ИМТҚ муддатсиз амал қиладиган ҳисобланади.

Ташкилот директорининг ўзгариши, ўз-ўзидан ИМТҚни қайта тасдиқлаш учун асос бўлмайди. Агар ходимлар ҳам, янги раҳбарият ҳам амалдаги қоидалардан мамнун бўлса, уларни ўзгартириш шарт эмас. Аммо агар янги раҳбар амалдаги қоидаларни қайта кўриб чиқмоқчи бўлса, бу унинг ҳуқуқидир.

Ҳужжатнинг янги тахрирдаги лойиҳасини касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиш шарт. Шундан сўнг иш берувчи буйруқ билан янги ИМТҚни тасдиқлайди (МК 174-м.).

Буйруқда ИМТҚнинг янги тахрири тасдиқланаётганини, эскиси эса бекор қилинганини кўрсатиш керак.

### «Эски» ИМТҚ қанча ва қаерда сақланади

Иш берувчи янги ИМТҚни тасдиқлаганидан ва амалга киритганидан сўнг, кучини йўқотган қоидалар 1 йил давомида сақланади. Бунинг учун улар архивга жойланади ёки уларни сақлашнинг бошқа усули таъминланади.

**ИМТҚни сақлаш муддати (1 йил) Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари фаолиятида тузаладиган бошқарув ҳужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган намунавий рўйхатининг 823-бандида белгиланган. Бошқарув ҳужжатларининг намунавий рўйхати 2011 йилда «Ўзархив» агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Бу расмий ҳужжат эмас (Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган).**

Бунда Марказий Давлат архиви мутахассислари мулкчилик шаклидан қатъи назар, намунавий рўйхатда кўрсатилган сақлаш муддатларига риоя қилиш барча ташкилотлар учун мажбурий деб ҳисобланади (Ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-б., АВ рақами 2347, 29.03.2012 й.).

**Саҳифани тайёрлашда «Norma» компанияси эксперти, ҳуқуқшунос Пенара Хикматованинг жавоблари ва kadrovik.uz материалларидан фойдаланилди.**

*Ходим давлат рўйхатидан ўтмаган хусусий университетда ўқиса, ўқишда бўлган давр учун ўртача иш ҳақи тўланадими?*

## Ҳам ўқисам, ҳам маош олсам дейман...

– Афтидан, саволда «давлат рўйхатидан ўтмаган» эмас, балки «аккредитациядан ўтмаган» хусусий университет ҳақида сўз бораётганга ўхшайди. Чунки давлат рўйхатидан ўтмаган ташкилот умуман фаолият юритиши мумкин эмас.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртыда таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш, диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ёқлаш даврига ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллар берилади (МК 256-м.). Бундай таътиллар нодавлат таълим ташкилотларида ўқиётган талабаларга ҳам берилади. Нодавлат таълим ташкилоти деганда давлат таълим стандартлари, давлат таълим

талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибиде таълим хизматлари кўрсатувчи юридик ҳис тушунилади. Нодавлат таълим ташкилотлари давлат аккредитациясидан ўтган бўлиши керак («Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 3-м.). Агар талаба давлат аккредитациясидан ўтмаган чет эл ўқув юртида ўқиса, у ҳолда корхона иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътил беришга мажбур эмас. Бироқ, корхона ўзининг локал ҳужжатларида (жамоа шартномасида ва ҳ.к.) бундай ҳолларда ҳам иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилишини белгилаши мумкин.



*Нодавлат таълим ташкилотлари лицензия олинган кундан эътиборан 5 йил давомида аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади, бу муддат тугагач, белгиланган тартибда аттестация ва аккредитациядан ўтказилади (Қонуннинг 58-м.).*

Нурали Нурмухамедов, «Norma» компанияси эксперти.

## СТАТИСТИКА

### Барча ҳудудларда рўйхатга олиш бўлимлари иш бошлади

Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 2023 йилда мамлакатимизда ўтказилиши белгиланган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига кўп фурсат қолгани йўқ. Рўйхатга олиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш статистика тизими ходимлари зиммасига ўта масъулиятли ва муҳим вазифаларни юклайди. Бу вазифалар 3 босқичда амалга оширилиб, ҳар бир босқич ўз ичига муайян муддат ва чора-тадбирларни қамраб олган.

Тадбирнинг биринчи, яъни тайёргарлик босқичида белгиланган бир қатор вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, аввало, асосий тадбирнинг самарали ташкил этилишида асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Мавжуд меъёрий-норматив ҳужжатларга асосан 2022 йилнинг 1 июлидан эътиборан республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида, шу жумладан вилоятимизнинг 13 та шаҳар ва туманида рўйхатга олиш бўлимлари фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам биринчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар сирасига қиради.

Ташкил этилган бўлим бошлиғи ва унинг ўринбосари лавозим бирлигидан иборат мазкур янги бўлимлар тадбирга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни давом эттирмоқда. Хусусан, уй-жойлар хатловдан ўтказилмоқда, маҳаллалар кесимида доимий рўйхатда турган аҳоли сони ва рўйхати шакллантирилмоқда, бевосита рўйхатга олиш ишларида иштирок этувчи ходимлар танлаб олиниб, улар махсус ўқитилмоқда. Шу билан бирга тадбирни ўтказиш билан

боғлиқ бошқа муҳим вазифаларнинг бажарилиши таъминланаётган.

Аҳолини рўйхатга олиш амалиётини муваффақиятли бажариш орқали мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва туманида, маҳалласи-о кўчаси, чекка қишлоқ ва оғис овулларида барча маълумотларни ўзиде акс эттирган ягона ахборот базаси шакллантирилади. Бу қимматли маълумотлар бизга нафақат бугун, балки яқин келажақда ҳам жуда асослидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилаётган кўп йиллик дастурлар, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинаётган режалар манзил аниқ бўлсагина юқори самара беради. Демак, мазкур жараён билан шу қоғача эътибордан четда қолиб кетган соҳага чинакам пойдевор қўйилди, дейиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

**Алишер Жуманиёзов,** Хоразм вилояти статистика бошқармаси Рўйхатга олиш жараёнини ташкил эттиши ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**  
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.  
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
**МИРФАЕЗОВ**  
Миржалол Журатович

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
**АЛИМОВ**  
Нодир Носирович  
Саҳифаловчи

**Наталья**  
**БАРАНОВА**

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100105, Тошент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: [sbx@norma.uz](mailto:sbx@norma.uz),  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz)  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламини жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нотири – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўроқ бичими – А3. Ҳажми – 2 бома табоқ, Баҳоши келтирилган нақд.  
Буюртма 1-723. Адади 290. Газета 2022 йил 26 июль соат 16.00 да топширилди.